

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Баҳоси келишилган нархда

№ 50 (14,153) 14 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА 2023 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



@toshkand.uz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



АНОНС



ҚОНУН УСТУВОР,
ЖАЗО МУҚАРРАР



ЗАМОНДОШ ОЛИМА



ИСЛОМ – ЭЗГУЛИК,
ЯХШИЛИК, АДОЛАТ
ДИНИДИР!

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАРНИ НАЗАРДА ТУТМОҚДА



Туризм ўзининг кўп қиррали таркиби билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳамда миллий маданиятни бошқа халқларга намойиш қилишида ўзининг муносиб ўрнига эга. У иқтисодиётнинг кўпгина йўналишларини ривожлантириш имконини беради.

Хусусан, транспорт тармоқлари, йўл қурилиши, меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси ва савдо тармоқлари шулар жумласидан.

Туризм соҳаси бугунги кунда дунёдаги энг сердаромад соҳалардан бири бўлиб, унинг иқтисодиётдаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун кўпгина мамлакатлар туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилди ва унинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Жумладан, 100 га яқин давлат учун виза режими соддалаштирилди, Самарқанд вилоятида 2022 йилда туризм хизматини кўрсатиш бўйича катта салоҳиятга эга бўлган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази ташкил этилди ҳамда туризм хизматини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга қонунчилик ҳужжатлари билан бир қатор имтиёз ва энгилликлар берилди.

Жорий йилнинг 11 сентябрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам туризм соҳасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантқий давоми бўлди.

Жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида хорижий туристлар ва ички сайёҳлар сонини сезиларли даражада ошириш, туризм соҳасига хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш, хорижий туристлар учун барча халқаро аэропортларда “tax free” тизимини жорий этиш, туризм хизматлари экспортини ошириш ва шаҳарлараро автобус қатновини таъминлайдиган компанияларни молиявий рағбатлантириш, каби йўналишларда қатор қўшимча қулайлик ва энгилликлар яратиш назарда тутилди.

Стратегия доирасида туризм соҳасини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсадлардан бири – бу 2030 йилга қадар хорижий ва маҳаллий туристлар сонини кескин даражада ошириш, яъни юртимизга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 15 млн.га, ички сайёҳлар сонини эса 25 млн.га етказиш ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, соҳада яратилган қулай имкониятлар сабабли охириги йилларда мамлакатимизга келаётган чет эллик туристлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2022 йил давомида мамлакатимизга 5,2 млн. сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2023 йилнинг дастлабки 9 ойида уларнинг сони 7 млн. дан ошди. Шу билан бирга, 2024 йилда юртимизга 10 млн. хорижлик сайёҳ келиши кутилмоқда.

Хорижий сайёҳлар сонининг ошиши, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ҳамда хорижий давлатлар билан турли соҳаларда ўзаро алоқаларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, Туризм қўмитасининг маълумотиغا кўра, мустақил халқаро ташкилотлар томонидан сўнги йилларда мамлакатимиздаги туризмни ривожлантириш ҳолати барқарор, деб баҳоламоқда. Бу эса ўз навбатида, соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда етарли имконият ва салоҳият борлигидан далолат беради.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган асосий мақсадлардан яна бири – бу хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига республикада 30 та йирик туризм кластерларини ташкил этиш, меҳмонхона ўринлари сонини камида 2 баробарга ошириш ва туризм маҳаллалари сонини 175 тага етказишга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, туризм соҳасини ривожлантиришда қулай меҳмонхона хизматининг йўлга қўйилганлиги ва соҳага етарлича инвестиция маблағларининг жалб этилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Стратегия доирасида назарда тутилаётган туризм кластерларининг ташкил этилиши соҳада янгилик бўлиб, ушбу тизим соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарни бирлаштириб, мазкур йўналишда кенг қамровли ва сифатли хизматларни кўрсатувчи

комплекс марказларнинг вужудга келишига хизмат қилади, бу эса ўз навбатида, туризмни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Туризм соҳасини кластер тизими орқали ривожлантириш амалиёти дунёнинг ривожланган давлатларида, жумладан АҚШ, Финляндия, Япония, БАА, Индонезия, Австралия, Туркия, Италия ва Греция каби мамлакатларда муваффақиятли йўлга қўйилган бўлиб, бугунги кунда ушбу тизим ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Туризмни ривожлантиришнинг кластерли ёндашуви ҳудудда туризмнинг турли йўналишларини ривожлантиришга имкон беради. Аксарият хорижий давлатлар ўз ҳудудида туризм кластерларини ташкил этиб, туризмнинг соғломлаштириш, бизнес, маданий, тарихий ва спорт каби турларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилишда меҳмонхоналарда етарлича ўринларнинг мавжуд бўлиши ҳамда меҳмонхона хизматини кўрсатишда рақобат муҳитининг таъминланганлиги, албатта, муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, шу билан бирга, меҳмонхоналарда туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг сифат даражасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уни доимий равишда яхшилаб бориш лозим. Чунки, туристлар меҳмонхона хизматидан фойдаланар экан, бу борада энг кичик деталларга эътибор қаратиши мумкин: иссиқ-совуқ сувнинг мунтазамлиги, хоналарга минерал сувларнинг қўйилиши, хоналарнинг озодалиги ва ҳ.к.

Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича “Ўзбекистон – 2030” стратегияси билан назарда тутилган чора-тадбирлардан яна бири – бу хорижий туристлар учун барча халқаро аэропортларда “tax free” тизимини жорий этишдир.

Мазкур тизимнинг моҳияти маълум бир давлатда хорижий туристлар томонидан сотиб олинган ва расмийлаштирилган маҳсулотлар учун ушбу товарлар қийматида қўшилган солиқ суммасини туристларга қайтариб берилишини англатади ва у одатда хорижий туристларга мамлакат ҳудудидан чиқиб кетаётганда (аэропортда) қайтариб берилади. Бугунги кунда дунёда қўшилган қиймат солиғи мавжуд бўлган 130 та давлатдан 50 дан ортиғида, асосан, ривожланган давлатларда ушбу тизим (“tax free” тизими) амал қилади ва унинг миқдори турли давлатларда турлича бўлиб, ўртача маҳсулот қийматининг 7-22 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизда ушбу тизимнинг жорий этилиши хорижий туристлар учун яна бир қулайлик бўлиб, уларга ўз маблағларини тежаш имконини беради, шу билан бирга, мазкур тизим халқаро ҳамжамиятда туризм соҳаси ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Туризм хизматлари экспортини сезиларли даражада ошириш ҳам стратегия доирасида соҳани ривожлантириш бўйича назарда тутилган асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Жумладан, 2030 йилга қадар туризм хизматлари экспортини 5 млрд. АҚШ долларга етказиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда туризмни ривожлантириш борасида, хусусан, туризм хизматлари экспортини ошириш бўйича етарлича имконият ва салоҳият мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ва уларни тўғри йўналтириш лозим. Бу борада транспорт хизматларини яхшилаш, меҳмонхона хизматларини халқаро стандартларга мослаштириш, Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни халқаро телеканаллар ва интернет платформаларида кенгроқ ёритиш, шунингдек, юртимизнинг бой маданияти ва туристик салоҳиятини жаҳонга тарғиб қилиш бўйича маркетинг ва реклама хизматини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида туризмни ривожлантириш бўйича назарда тутилган чора-тадбирлар соҳани ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга, юртимизга ташриф буюрадиган туристлар сонини сезиларли даражада оширишга ҳамда хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилади, буларнинг барчаси пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг тараққий этишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қаҳқор ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий
сиёсат институти етакчи илмий ходими



ҚОНУН УСТУВОР, ЖАЗО МУҚАРРАР

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида “Қонун устувор, жазо муқаррар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи Нилуфар Исаханова, ИИББ бошлиғининг биринчи ўринбосари Дониёр Тошхўжаев ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Матбуот анжуманида Тошкент шаҳрида жиноятчиликка қарши курашиш, криминоген вазиятни яхшилаш, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Унга кўра, 2023 йил 27 ноябрь кунидан бошлаб, Тошкент шаҳрида криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш мақсадида, криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи шахсларни жиноий фаолиятига чек қўйиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган махсус-тезкор тадбирлар амалга оширилган бўлиб, ўтказилган махсус-тезкор тадбирлар доирасида жами 38 та жиноят ишлари қўзғатилган.

– ЖКнинг 165-моддаси товламачилик (10 йилдан – 15 йилгача);

– ЖКнинг 168-моддаси фирибгарлик (8 йилдан – 10 йилгача);

– ЖКнинг 248-моддаси қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш (10 йилдан – 20 йилгача);

– ЖКнинг 273-моддаси гиёҳвандлик воситалар, уларнинг аналоглари ёки психотроп воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларни қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (10 йилдан – 20 йилгача);

– ЖКнинг 276-моддаси гиёҳвандлик воситалар, уларнинг аналоглари ёки психотроп воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларни қилиш (3 йилдан – 5 йилгача);

– ЖКнинг 277-моддаси безорилик (3 йилдан – 5 йилгача) жиноятлари бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

– Сўнги 7 йил ичида юртбошимизнинг ташаббуси билан барчамиз катта сиёсий воқеалар ва ислохотларнинг гувоҳи бўлдик, – деди Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг биринчи ўринбосари Дониёр Тошхўжаев. – Ушбу ислохотлар замирида “Янги Ўзбекистонда” – “Инсон қадр” тамойилига биноан, асосий эътибор – халқимиз хавфсизлиги ва фаровон турмушини таъминлашга қаратилди.

Мазкур ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати, бу ҳам бўлса – яқинда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам кўришимиз мумкин.

Унга кўра, Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлигини кўришимиз мумкин.

Муҳтарам юртбошимиз бошчилигида ўтказилган барча йиғилишлар ва чиқишларда бир гапни доимо такрор ва такрор таъкидлайдилар, бу ҳам бўлса – “Ўзбекистонда қонун устувор – жазо муқаррар”.

Бу борада ҳеч кимда – ҳеч қандай шубҳа ва гумон бўлиши асло мумкин эмас.

Жорий йилнинг 21 ноябрь кунидан бошлаб, Тошкент

шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, прокуратура ва Давлат хавфсизлиги хизмати Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда “Долзарб 40 кунлик” махсус тадбири ўтказилмоқда.

Ушбу махсус тадбир доирасида “Психотроп ва кучли таъсир қилувчи гиёҳванд воситаларини олдини олишга қаратилган” тезкор-профилактик тадбири ўтказиб келинмоқда.

Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида:

– 135 та гиёҳвандлик моддаси ва 19 та психотроп воситаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилди;

– 3 кг. 895 гр. гиёҳвандлик моддалари ва 10 878 дона кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари ҳужжатлаштириб олинди.

Натижада, 116 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, қонун устуворлиги таъминланди.

Энг муҳими, ушбу “заҳри қотил”ни аҳоли орасида тарқалиб кетишини ва ёшларимиз онгини заҳарланишининг олдини олишга эришилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида пойтахтда жиноятчиликка қарши ўтказилаётган “Долзарб 40 кунлик” тадбирларида қўлга олинганларнинг айримлари ижтимоий тармоқларда фаол экани ҳақида гапириб ўтилди.

– Ҳозир ижтимоий тармоқларни, ёшларни кузатадиган бўлсак, улар: “академик бўламан, инженер бўламан ёки сизларга ўхшаган журналист бўламан ёки бизга ўхшаб ички ишлар ходими бўламан, жиноятчиликка қарши курашаман”, деб эмас, айнан шу интернет тармоқларида ўзини қонундан устувор, жазосиз қоладиган ёки қанақадир бошқа қонун-қоидалар билан – билмадим, “Союз” вақтидан қолиб кетган қоидаларми – шулар билан яшайдиган, ўзига қанақадир бир обрў ясаб олган...

Атрофига спортсменларни йиғиб олиб, ҳар хил чиройли-чиройли машиналарда юриб... Бир томондан интернетда кўринишлари – чиройли бир ҳаёт, лекин ичига кирганда умуман бошқа нарсани кўриш мумкин. Шу ёшларимиздан биттаси ҳам ўзига: “Қани шу интернетда кўринаётган шахс ниманинг ҳисобига даромад кўрапти?”, деб савол бермайди.

Агар ҳозирги жиноят ишларини таҳлил қиладиган бўлсак, булар – бошқаларни қийноққа солиб, товламачилик йўллари билан пул ундириш орқали ўзини ва бола-чақасини едириб-қийдириб, мана шунақа қилиб чиройликкина бўлиб юришибди. Қонунга хилоф равишда, – деди Дониёр Тошхўжаев.

Д.Тошхўжаевнинг сўзларига кўра, “Долзарб 40 кунлик” доирасидаги тадбирларда кучли таъсир қилувчи психотроп ва гиёҳванд воситаларига оид жиноятлар ҳам аниқланмоқда.

– Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида, бу жуда ачинарли рақам: 135 та гиёҳвандлик моддаси, 19 та психотроп воситаларининг ноқонуний айланмаларига чек қўйилди. 3 кг. 895 гр, яъни тўрт килога яқин гиёҳванд моддалари ва 11 мингтага яқин кучли таъсир қилувчи психотроп воситалари ҳужжатлаштириб олинди. Натижада, 116 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, қонун устуворлиги таъминланди.

Лекин бу – бир қисмчаси. Бунақа психотроплар айланмасининг ҳозир янги йўллари топилган. Интернет тармоқларида кўраяпсизлар, биз уларга ҳам қарши курашиб, битта-иккита ҳолатларда ушлаш чоралари кўриб, натижага эришдик. “Закладчик” деймиз, картага пули тушганидан кейин интернет орқали жойини, локациясини кўрсатади, харидор

бориб, ўзи олиб кетади. Бу бизга қийинчилик туғдирадиган нарсаси, лекин албатта курашишимиз керак, – деди у.

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг биринчи ўринбосари тадбиркор Ғофур Раҳимов қидирувга берилгани ҳақидаги миш-мишларни рад этди. Унинг таъкидлашича, Ғофур Раҳимовга нисбатан жиноят иши мавжуд эмас.

Журналистнинг нима учун криминал авторитетларга қарши рейдлар айнан энди ўтказилаётганлиги ҳақидаги саволига: “Вақт-соати келган эди. Тошкентдаги рейдларга узоқ тайёргарлик кўрилди”, деб айтди.

Тадбирда Тошкентдаги кенг қўламли антикриминал рейдларга “ойлаб ва йиллаб” тайёргарлик кўрилгани, бу тадбирларнинг “Ҳумо арена”даги тартибсизликка ҳам, қўшни давлатлардаги шунга ўхшаш рейдларга ҳам алоқаси йўқлиги таъкидланди. Шунингдек, ушланганларнинг давлат хизматчилари билан алоқаси бор-йўқлиги ва айбсизлик презумпцияси ҳақидаги саволларга ҳам жавоб берилди.

“Уюшган жиноий гуруҳ билан 1–2 кунда ёки 1–1,5 ойда масалани ҳал қилиб бўлмайди. Улар билан курашиш учун ойлар, керак бўлса йиллар керак. Яъни биз ўзимизнинг меъёрий ҳужжатларимиз, буйруқ талабларимиз, қонунларимизга асосан, уларни кузатувга оламиз. Қиляётган ишларининг ҳар бирини қайд этиб, вақт-соати келганда чорасини кўрамиз”, – деди у.

Маълумотларга кўра, тергов органи қўлга олинганларнинг айбини исботлаш учун етарли далиллар тўплаганига ишонч ҳосил қилганидан кейингина уларни қўлга олиш бошланган.

– Мен сизларни ишонтириб айта оламан, бу кеча бошланган нарсаси эмас. “Долзарб 40 кун”га ҳам алоқаси йўқ. Йиллар давомида ишловга олиниб, вақт-соати шу кунга тўғри келган, – деди Д.Тошхўжаев.

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг биринчи ўринбосари “Криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи шахслар қўлга олинаётган вақтда олинган сурат ва видеоларларда уларнинг юзлари Тошкент ИИББ томонидан беркитилмаган ҳолда эълон қилинаётгани айбсизлик презумпциясига зид эмасми?”, деган саволга жавоб берар экан, журналистнинг ўзига савол билан юзланди:

“Сизнинг-ча, нима учун қидирувдаги шахсларнинг суратлари ошқора равишда эълон қилинади? Чунки, уларни кўрган-билган шахслар, уларни таниб, бизга ўз вақтида хабар қилишлари учун. Бу ҳолатда эса биз кўрқмасдан уларнинг юзларини очиқ ҳолда қўйганимизнинг сабаби – буларнинг ҳаракатларидан жабрланган инсонлар кўп. Биз айнан шу инсонларга мурожаат қилиб: “Кўрқманглар, Ўзбекистонда қонун устувор, жазо муқаррар. Кимда-ким шу шахсларнинг ҳаракатларидан жабр кўрган бўлса, кўрқмасдан мурожаат қилинглар”, деган мақсадда уларнинг юзини очиқ эълон қилдик. Бу ерда айбсизлик презумпциясининг ҳеч қанақа алоқаси йўқ, деб ўйлайман. Улар суд ҳукми чиқмагунча айбдор деб ҳисобланмайди, лекин дастлабки тергов ва тезкор хизматлар ўзининг ишини қилиши керак”, – деди Тошкент шаҳар ИИББ расмийси.

Матбуот анжумани давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олди.

Шоҳида ЗУФАРОВА тайёрлади



ЭЗГУЛИК, ЯХШИЛИК, АДОЛАТ ДИНИДИР!

Шайх Сайид Раҳматуллоҳ Термизий Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва ўми Тошкент шаҳар вакиллиги сайтларида, ўзининг ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида мунтазам диний-маърифий мазмундаги чиқишлар қилиб келмоқда.

Шу даврга қадар Раҳматуллоҳ қори Ҳабибуллоҳ ўғлининг илмий-ижтимоий, диний-маърифий мавзудаги 80 дан ортиқ кўрсатувга чиқиши, ахлоқий-тарбиявий мавзулардаги 55 дан ортиқ радиозиттиришлари эфирга узатилди. Шу билан бирга, даврий матбуот – журналлар, газеталар ва электрон нашрларда 1000 дан ортиқ илмий-ижтимоий, диний-маърифий мавзудаги мақолалари чоп этилди.

– Терроризм, ақидапарастлик, радикаллашув... Сўнги йилларда бу сўзлар дунё саҳнида жуда кўп жаранглапти афсус... Муқаддас динимизнинг бундай вазиятларга муносабати хусусида фикрларингизни бўлишсангиз?

– Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида: «Сўнги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз», дея таъкидлаган эди.

Сўнги йилларда ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олган бир гуруҳ манфур кимса ва тоифалар пайдо бўлди. Улар жамият ўртасида бузғунчилик, ноҳақ қон тўкилиш, қаби салбий ҳолатларни авж олдириб, мусулмонлар тинчлигини бузиб, халқ орасида низо чиқариш ҳамда нифоқ солишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ислом динида инсоф, адолат ва инсонпарварлик қоидаларига ҳатто ёв билан жанг қилиш асносида ҳам риоя қилишга буюрилади. Ҳаддан ошиш, тажовузкорлик ва зўравонлик қаттиқ қораланади. Ислом – эзгулик, яхшилик, меҳр-мурувват, адолат динидир. Терроризм, ақидапарастлик, радикаллашув муқаддас динимиз таълимотига мутлақо зиддир.

Аллоҳ таоло ояти каримада: «Эй имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир», деб марҳамат қилади (Бақара сураси, 208-оят).

– Терроризмни бирор миллат ёки динга нисбат бериш мутлақо нотўғри. Зеро, терроризмни ҳеч қайси дин, ҳеч қайси миллат оқламайди. У кимнинг ва ниманинг номидан қилинишидан қатъи назар, уни амалга оширувчи шахс жавобгар ҳисобланиб, тегишли жазога маҳкум этилиши лозим.

Дунёда тинчликни сақлаш учун ҳамма имконият сафарбар қилиниши керак. Биз Аллоҳ таоло тарафидан Ер юзини обод қилишга амр этилганмиз. Бизнинг динимиз одамзот у ёқда турсин, оддий жониворга ҳам озор бермасликка буюради, зеро, у тинчлик динидир.

Бугунги медиа маконни кузатсангиз, турли ахборот хуружлари авж олиб, исломни ёмон отликка чиқаришга уринишлар кўп кузатилмоқда. Бу ачинарли ҳолдир. Чунки ислом ўз номи билан тинчлик динидир.

– Яқинда сиз Турон фанлар академияси академиги унвонини олдингиз. Илмий ишингизда қайси мавзуларга тўхталгансиз?

– Алҳамдулиллаҳ, шу йил Мустақиллик байрами арафасида Турон Фанлар академияси академиги илмий унвонига эга бўлдим. Турон Фанлар академияси ноҳукумат ва нотижорат ташкилоти бўлиб, фанларнинг турли соҳалари вакиллари – юқори малакали олим ва мутахассисларни маънавий рағбатлантириш мақсадида уларга академик (ҳақиқий аъзо) ҳамда фахрий академик (фахрий аъзо) илмий унвони берилади.

Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида анча йиллардан бери талабаларга сабоқ бериб келаётганим ҳамда илмий-ахлоқий, маънавий-маърифий мақолаларим ва китобларим чоп этилгани муносабати билан ана шундай унвонга сазовор бўлганим учун Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтаман.

– Марказий Осиё ёшларининг таълим-тарбиясида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ўрни?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ташкил этилгани тарихий воқеа бўлди.

Бу ерда нафақат Марказий Осиё, айна пайтда бутун ислом олампидан талабалар таълим олишмоқда. Бир замонлар Мисрда “Байтул ҳикма” (“Донишманда уйи”) қандай машҳур бўлган бўлса, иншоаллоҳ, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг довуғи бутун оламга таралади.

Луқмони Ҳакимдан:

– Нега ҳадеб ўғлингга насиҳат қилаверасан? – деб сўрашибди.

У эса бундай деди:

– Кексаларнинг насиҳатлари ёшлар учун боғбон ниҳолни парвариш қилгани кабилдир. Боғбон ниҳолнинг номуносиб шохларини бутаб туради, ён-атрофда фойдасиз гиёҳларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймайди. Унинг яхши ўсиши учун бутун кучини сарфлайди. Ниҳол эса бақувват бўлиб ўсади, ширин-шакар мева қилади. Борди-ю ортиқча шохлари кесиб турилмаса, ниҳол тез ўсиб етилса-да, яхши ҳосил бермайди, боғбонга эса ундан фойда кам бўлади. Демак, билгинки, бола ҳам ниҳолнинг ўзидир. Агар у тарбия қилинмаса, ёмон феълларга мубтало бўлади ва фалокат хашақлари ўртасида сўлиб ётади.

Камина айна пайтда шу даргоҳда “Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида фарзанд тарбиясига оид ҳадислар таҳлили” мавзусида илмий ишмини ҳимоя қилиш арафасида турибман.

Нуриддин СИРОЖИДДИНОВ тайёрлади



ИЛМ ЙЎЛИДАГИ

Аёл

Мамлакатимиз қадимдан олим ва уламолар юрти бўлиб, бу юртдан дунё цивилизациясига ҳисса қўшган кўплаб шахслар етишиб чиққан. Бугунги қахрамонимиз замонамизнинг етук олимаси, Тошкент тиббиёт академияси “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси профессори, “Экология, одам ва табиат хавфсизлиги” халқаро илмий академияси академиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги “Нутрициология” бош консультанти, “Овқатланиш гигиенаси ва болалар ўсмирлар гигиенаси” соҳасида йирик мутахассис, 650 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи Гули ШАЙХОВА бўлади.

Қахрамонимиз 1951 йили 27 ноябрда Хитойнинг Чугучак шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган. 1955 йилда Тошкентга кўчиб келишган. 1969 йили Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультетига ўқишга киради. Гули Шайхова фаолияти давомида дубляжда 100 дан ортиқ фильмларга овоз ҳам берган.



— Институтда ҳам мактабдаги каби муваффақиятлар давом этдимиз?

— Албатта! Ёшлиқнинг жўшқин орзулари 1969 йилда мени Тошкент Давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультети томон етаклади. 1-курсдан 6-курсгача “староста” дейилардим. Талабалик давримда ҳам спорт мусобақаларида иштирок этиб, шахмат ва стол тенниси бўйича юқори ўринларни олганман. 5- ва 6-курсда талабалар жамоасида иштирок этиб, “Болалар, ўсмирлар гигиенаси” ва “Овқатланиш гигиенаси” кафедралари талабалари илмий жамоаси сафида конференцияларда илмий маърузалар ўқиганман. Институт жамоасининг ҳурматини қозонган ҳолда 1975 йили ТошМИни муваффақиятли тамомладим.

— Меҳнат фаолиятингизни қаерда бошладингиз?

— Меҳнат фаолиятимни 1977 йили Тошкент Давлат тиббиёт институти “Овқатланиш гигиенаси” кафедрасида кичик илмий ходим ва ассистент лавозимидан бошладим. 1981 йили шу кафедра қошида аспирантурага қабул қилиндим. Маълумки, инсон саломатлиги гаровининг асосий омилли — тўғри овқатланиш қодаларига амал қилиш ҳисобланади. Бир қарашда жуда жўн кўринган овқатланиш аслида — соғлиқни асраш санъатидир. Уша йиллар ҳомиладор ва эмизикли аёллар, шунингдек, гўдақларда темир танқислиги натижасида келиб чиқадиган камқонлик кенг тарқалган эди. Биз камқонликка учраганларнинг иқтисодий шароити, саломатлиги ва овқатланиш тартибларини чуқур ўргандик ва бу касалликни даволаш ва олдини олиш мақсадида технологлар билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Таркибида темир ва оқсил моддаси кўп бўлган овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. 1984 йили “Гигиеническое обоснование и оценка новых колбасных изделий для общественного и лечебного питания” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим.

Шу йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, Тошкент Давлат тиббиёт институти “Овқатланиш гигиенаси” кафедрасида ассистентлик қилдим ва кейинчалик доцентлик лавозимида фаолият юритдим. Ўқув ишлари билан бирга илмий изланишларни давом эттирдим. Шу жараёнда темир танқислиги билан боғлиқ камқонликнинг олдини олиш ва даволаш бўйича ҳомиладор, эмизикли аёллар, шунингдек, болалар ва ўсмирларнинг оилавий шарт-шароитини ҳамда овқатланишини ўрганишни, “Ўздонмаҳсулот” ва “Ўзхимфарм” технолог мутахассислари билан биргаликда аҳоли учун сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни давом эттирдим. Ўзбекистон ҳудудларида камқонлик касаллигини олдини олишда овқатланиш рационини янада чуқурроқ ўргандим ва керакли тавсияномалар ишлаб чиқдим. Технологлар билан бирга камқонликни олдини олишда аҳамиятли нон, булочка, печенье, паштет, каби 12 дан ортиқ маҳсулотларни ишлаб чиқардик. 1990 йили Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсияси билан Россия фанлар академияси қошидаги Овқатланиш гигиенаси институтига докторантурага юборилдим ва 1993 йили “Гигиеническое обоснование алиментарной коррекции и профилактики железодефицитной анемии у беременных, с использованием специализированных продуктов” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим. 1993 йилда Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти “Болалар ва ўсмирлар

гигиенаси” кафедрасида доцент, профессор лавозимида ишладим ва 1995 йилдан шу кафедрага раҳбарлик қилдим. Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилингандан сўнг эса “Болалар, ўсмирлар гигиенаси” ва “Овқатланиш гигиенаси” кафедралари бириктирилди ва шу кафедрага 2012 йилгача раҳбарлик қилдим. Ҳозирги кунда шу кафедра профессори лавозимида ишлаб келмоқдаман.

— Менимча юқорида айтиб ўтганларингиз сиз қилган ишларнинг ҳаммаси эмас. Яна қандай ишларни амалга оширддингиз?

— Тўғри ҳаммаси эмас (жилмайиб). 2000 ва 2007 йиллар Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида Осиё тараққиёт банки гранти асосида “Улучшение питания малообеспеченных матерей и детей в странах Азии” проектини ёзишда ва амалга оширишда бевосита иштирок этдим. Натижада, ҳозирги кунда камқонликнинг олдини олиш учун республикамизда темир ва витаминлар билан бойитилган ун маҳсулотлари аҳолига етказилиб берилмоқда.


— Телевидениедаги соҳангизга оид телелойҳаларда ҳам сизни тез-тез кўриб турамыз...

—1990 йилдан буён Марказий телевидениеда “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” телеканалларида тиббиёт соҳасида аҳолида учраб турадиган турли хил касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида ҳамда аҳолининг рационал овқатланиши, турли хил касалликларни олдини олишда овқатланишнинг аҳамияти ва бошқа мавзулар тўғрисида тиббий саҳифалар ва кўрсатувлар ташкил этиб, муҳаррир ва бошловчи сифатида иштирок этиб келмоқдаман. 2000 йилдан бошлаб “Ёшлар” каналида “Меъёр — соғлиқ гарови” ва кейинчалик “Соғлиқ — бойлик” тиббиёт кўрсатувининг ташкилотчиси, муҳаррири ва бошловчиси сифатида кўп йиллар хизмат қилдим. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Спорт”, “Маҳалла”, “Севимли” ва бошқа телеканалларда соғлом турмуш тарзига оид кўрсатувларда фаол иштирок этиб келмоқдаман.

— Жанубий Кореяда ташкиллаштирилган Халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси “KIWIE 2023”даги иштирокингиз ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Корея Ихтирочи аёллари Ассоциацияси (KWIA), Корея Интеллектуал Мулк Оффиси (KIPO) ва Халқаро Интеллектуал Мулк ташкилоти (WIPO) томонидан ўтказилаётган Корея Халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси “KIWIE 2023” 20 июндан ўз ишини бошлади. 40 дан зиёд давлатдан 400 нафардан ортиқ олимга, ихтирочи ва тадбиркор хотин-қизлар техника, технология, тиббиёт, озиқ-овқат, энгил sanoat, кимё ва sanoatнинг турли йўналишлари бўйича ўз ихтиролари ҳамда инновацион ишланмалари билан қатнашган ушбу тадбирда — қонни тозалаш ва инсон танасига энергия бера олиш хусусиятига эга, иммунитетни оширувчи, вирусли ва нафас олиш касалликлари билан курашишда фаол ёрдам бера оладиган, қондаги қанд миқдорини пасайтиришга кўмаклашувчи, эркак ва аёллар бепуштлигини даволашда ҳамда жигарни тозалашда фаол иштирок этувчи, ошқозон-ичак тракти (овқат ҳазм қилиш тизими) фаолиятини яхшилайдиган маҳсулотлар тақдимотини ўтказганим учун халқаро экспертлар томонидан олқишландим ва олтин медални қўлга киритдим.

Миржалол МАҲКАМОВ суҳбатлашди




Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЕООВФА

— Мен тайёрман. Тайёрмисиз? — сўради Валижон.
— Тайёрман, болам. Ёз! — деди Шаҳодат хола. — Лекин нимадан бошлашни билмай, ўйлаиб қолди. У сира ўғлига хат ёзмаган эди. Эрига ёзар эди. Раҳматли Раҳмонкул ака арабча ўқишни биларди. Иннайкейин, унинг ёзувини яхши кўрарди. «Шаҳодат, зерзабарини хўп келтирасан-да. Пулемётдай ўқийман хатингни!» — дерди ҳар ёзганида.
Ўғли арабчани билмайди. Ўзининг эса янги алифбега ўқуви йўқ. Ўқуви бўлганда қўшнисининг ўғлини чақириб ўтирмасди, ўзи ёзарди. Ёзадиган гапи кўп эди. Мана, бир йил бўлдики, ўғлидан хат олмайди, ном-нишонсиз кетди. Ўқиб юрган пайтларида тузук эди, ҳафтада, жуда бўлмаса ойда бир ёзиб турарди. Ишга кирди-ю, бедарак кетди. Аммо ишга кирганда ўн беш сўм пул юборди! Эрта куз эди ўшанда. Авжи долзарб пайт. Бутун қишлоқ, тирик жон борки, далада. Шаҳодат хола колхоз боғчасида тушлиқдан кейин болаларни эндигина ухлатиб ўтирган эди, ҳовлини бошига кўтариб Қоровой почтачи келиб қолди.
— Шовқининг қурсин, намунча бақирасан? — деди бўғилиб Шаҳодат хола. — Болла ухлавотти! Нима дейсан?
— Сизга пул келди, пул! — деди почтачон оғзининг таноби қочиб.
— Қанақа пул? Қатдан? — ҳайрон бўлди Шаҳодат хола.
— Қанақа пул бўларди? Қоғоз пул-да! — деди почтачон. — Нахт ўн беш сўм! Ўғлингиз юборибди.
— Ўғлингиз юборибди? Вой, ўғлимдан айланай! — Шаҳодат хола севиниб кетди, болалар эсидан чиқди, шанғиллаб гапира бошлади. — Вой, болагинам-а! Пул юбориб нима қиларкан! Хат-паат ҳам борми?
— Э, хола! — почтачоннинг жаҳли чиқди. — Хатни нима қиласиз? Пул юборибди, бўлди-да. Ночор одам пул юборадими! Пул сўрайди. Хўш, ҳозир оласизми? Ё эртага почтахонадан оласизми?
Шаҳодат хола ўйлаиб қолди. Нима қилиш керак? Ҳозир олиб қолса, ҳеч ким билмайди. Билса яхши бўларди. Айниқса, Қумри отин билан Аълобуш билса яхши бўларди. Гўё иккаловининг фарзанди фарзанду бошқаларники фарзанд эмас. Боладан гап очилдими, тамом, бири бирига гап бермай эртани кеч қилишади, кечни эрта. «Холпошам тушмагур... бало-да, бало!» деб отин бошласа, билгинки, кетидан Аълобуш туради: «Собиржонимни айтмайсизми, тасаддуқ!» «Тасаддуқ» демай кет иккаловинг ҳам!
— Эртага почтахонадан ола қолай?!
— Ўзим ҳам шундай дерсиз, деб турувдим, — почтачон тиржайди. — Бутун қишлоқ билсин, дейсиз-да! Дуруст, дуруст. Аълобуш кеннойим ҳам ҳеч уйда олмайдилар, бориб оладилар.
Эртасига эрталаб Шаҳодат хола янги кавуш-маҳсисини, Қумри отин билан бирга узоқ йили тиктирган қора духоба камзулини кийиб кўчага чиқди. Ҳали эрта эди. Ҳеч ким йўқ. Фақат муюлишда раис шовқининг эшигини тақиллатиб турарди. «Ичибди-да яна, — хаёлидан ўтказди Шаҳодат хола. — Раис энди еб кўяди». Шу пайт димоғига гул этиб иссиқ ноннинг ҳиди урилди. Осмонга қаради. Аълобушнинг мўрисида тунун чиқиб турарди. Шаҳодат хола шу ёққа юрди.
— Аълобуш! Ҳой, Аълобуш! — деди эшикни қия очиб. — Аълобуш-увв! Аввал жавоб бўлмади. Кейин:
— Хувв, тасаддуқ, хув-в-в! — деган чўзиқ овоз эшитилди.
Бу Аълобуш эди. Шаҳодат хола жилмайиб қўйди. Кўп ўтмай бир сават бўғи чиқиб турган кулча кўтариб йўлакда Аълобушнинг ўзи кўринди.
— Эшикда нима қилиб турибсиз, тасаддуқ? — деди Аълобуш Шаҳодат холага бошдан-оёқ қараб чиқиб. — Ичкарига киринг. Чойим тайёр.
— Шошиб турибман, раҳмат, — деди Шаҳодат хола.
— Ҳа, йўл бўлсин, тасаддуқ? — сўради Аълобуш, янги кавуш-маҳсига кўз кирини ташлаб.
— Пуштага кетяпман, айланай, — деди бепарволик билан.
— Ҳа, тинчликми, тасаддуқ? — сўради Аълобуш.
— Адҳамжон пул юборибди, — деди Шаҳодат хола. — Шуни олиб келмоқчиман.
— Вой, тасаддуғ-эй, эй, вой, тасаддуғ-эй! Хў-ўп болаларимиз бор-да, тасаддуқ! — деди Аълобуш. — Собиржонимни айтмайсизми, тунов кўни хатида, «ойи, мандалинни посилка қилсам нима дейсиз?», депти. «Йўқ», дедим, тасаддуқ, «йўқ», дедим. «Ўзинг киявер», дедим. Маскопда ярашади бунақа кийимлар, дедим.
— Мандалини нима экан, айланай? — сўради Шаҳодат хола, кулгидан ўзини зўрга тийиб.
— Нима бўларди, тасаддуқ, алламбало материал бўлса керак-да!
Шаҳодат хола энди ўзини тутиб туролмади. Мандариннинг нималигини айтиб юборай деди-ю, лекин айтмади, ўртоғини хафа қилгиси келмади. Фақат тўйиб-тўйиб қолди.

— Нега қўляпсиз, тасаддуқ? — сўради Аълобуш.
— Болаларнинг қилган ишига қўлмай бўладими?
— Тўғри айтасиз.
Аълобуш қўшнисига қўшилиб қолди.
— Хўп, мен бораё бўлмасам, — деди Шаҳодат хола ва кўчага чиқди. Чиқди-ю, қуруқдан-қуруқ кетаётганидан тортинди. Мақтангани кирган экан, деб ўйламасин тағин Аълобуш! Орқасига қайтди.
— Айтгандай, Аълобуш! Эсим қурсин, нега кирдинг ҳам демайсиз. Бир қатим оқ ипингиз борми? Бувинисанинг кенжаси фартуғини йиртиб қўйибди. Тикай десам, ипим тамом бўлибди.
— Бир қатим эмас, бир ғалтак олинг, тасаддуқ. Ип сиздан айлансин!
Почта Қумри отиннинг уйдан икки ҳовли нари эди. Шаҳодат хола кирай деди-ю, боғчага кеч қолишини ўйлаб, кирмади. Кириб ҳам нима қилади?! Аълобуш билди — бутун қишлоқ билди деган гап!
Почтада дарров иши битди. Тахи бузилмаган ўн сўмлик билан беш сўмликни қўлига олар экан, кўзларида ёш йилтиради. Пичирлаб, ўғлини дуо қилди. Пулни чўнтағига солишни ҳам, солмасликни ҳам билмай, қўлида ушлаганча кўчага чиқди. Тўлиб турган юраги бўшашиб кетди — йиғлаб юборди. Унинг биринчи марта шундай йиғлаши эди. Раҳматли эридан қолган дард ҳам, ўзининг тортган ҳамма қайғу-аламлари ҳам, ўғлининг мана шундай обрўга эришиб, пул юбориши ҳам шу йиғида акс этар эди.
— Шаҳодатхон, ҳо, Шаҳодатхон! Кўчанинг ўртасидан нима қилиб турибсиз? Шаҳодат хола шоша-пиша рўмол учи билан кўзларини артди, ёнига қаради. Икки қўлини белига тираб, эшик олдида Қумри отин турарди.
Шаҳодат хола ўзини босиб олиб, шу томонга юрди. Пулни чўнтағига солмоқчи эди, солмади. «Отин ҳам билиб қўйсин!» — деди ичиди.
— Ассалому алайкум! Эрталаб пўштада нима қилиб юрибсиз? Адҳамжонга пул юборяпсизми? Бола тушмагурга ҳалиям пул юборасизми-а?
— Йўқ, отин, — Шаҳодат хола жилмайди. — Мен юбораётганим йўқ. Адҳамжоннинг ўзидан пул келибди. Шуни олиб келаяпман!
— Шундоқ денг, вой, умрингдан барака топқур-эй. — Қумри отин қўлини ёзиб дуо қилди. — Мартабаси баланд бўлсин, топгани тугаллик билан ўтсин. Омин! Шундоқ денг?
— Шундоқ, айланай, шундоқ.
Шаҳодат хола уйига қандай етиб келганини билмади. Келди-ю, пулни кечагина ўқиб ўтирган «Юсуф ва Зулайхо»нинг ўртасига солиб, тоқчага қўйиб қўйди. Ўн сўмлиги ҳали ҳам тахи бузилмай турибди. Беш сўмликни ишлатиб юборди. Ишлатмоқчи эмас эди, Адҳамжон келганда икковини ҳам ўзига бермоқчи эди. Пулга зор бўлмаса нима қилади ишлатиб? Бунинг устига яқинда пенсия бера бошлашди. Пулга зор эмас. Лекин ишлатиб юборди. Қоровой почтачи уйланганда тўёна олди-ю, миёнчага етишмай қолди. Шунда ишлатиб юборди. Ўн сўмлиги турибди. Жуда ўқиб кетганда тоқчадан китоби билан олиб қараб ўтиради. Кеча чиқолмади. Почтага борди. Қоровой ёлғиз ўтирган экан.
— Йўқми? — сўради унга термилиб.
— Йўғ-а, хола, йўқ, — деди Қоровой айбдор оҳангда. — Мен ҳам тушунолмай қолдим. У ёқ-бу ёққа кетиб қолган бўлса керак-да... — У шундай деди-ю, яхши баҳона топгандай, шу гапга маҳкам ёпишиб олди. — Ҳа, у ёқ-бу ёққа кетган! Инженер деган гап ҳозир жуда зарур гап, хола. Инженер ҳамма ёқда керак. Бирон ёққа жўнатишган. Келиб қолади. Мана кўрасиз, ё хат келади, ё ўзи келиб қолади.
Шаҳодат хола уйига қайтди. Кўнгли хира эди. Зора Қоровойнинг айтгани келса?! У эринибгина овқатга уннади. Пиёз билан гўштни қовуриб бўлиб, нима қилишини билмай ўйлаиб қолди. Кейин, бўлганича бўлар, деб бир товоқ сув солиб ёпиб қўйди.
Шу пайт кимдир эшик томондан:
— Хола, кирсам майлими? — деб қичқирди.
— Бўмасачи, киравер, — деди Шаҳодат хола. Бу Бувинисанинг тўнғичи — Валижон эди.
— Кел, болам, кел, — деди Шаҳодат хола. — Ҳа, нима дейсан?
— Хола, мени мактабимдан юборишди, йўқ... ўзим келдим. Анақа... — Валижон тутилиб қолди.
— Ҳа, қанақа? Гапиравер, — деди Шаҳодат хола.
— Биласизми, яқинда... Саккизинчи март, — деди Валижон ўйлаиб-ўйлаиб.
— Шунга... шунга совға қилмоқчийдик. Мен. Аннақа... қанақа совға қилишимни билмайман.
Валижон бурнини шўлқ этиб тортди-да, Шаҳодат холага қараб жавдирай бошлади.
— Тузукроқ гапир, болам, нима қилмоқчисан, қанақа совға?
— Сизга совға, — деди Валижон.
— Менга? — ҳайрон бўлди Шаҳодат хола.
— Сизга. Учунчи «Б»дагилар ҳамма хотинларни бўлиб олишди. Мен ойим билан сизни танладим. Укам сизни яхши кўради. Нуқул боғчадан келганда «бувимга бояман» деб йиғлайди.
Шаҳодат хола жилмайди.
— Шунинг учун менга совға қилмоқчимисан?
— Ҳа, — деди Валижон. — Лекин нима қилишимни билмаяпман. Ўзингиз айтиб бера қолинг.
Шаҳодат хола қулиб юборди. Кўнгли бирдан ёришиб кетди. Валижонни бағрига босди.
— Раҳмат, болам, раҳмат, — деди у Валижонни ўпаркан. — Менга совға керакмас. Ҳамма совғани оининга қилгин. Оининга керак совға. Сенларни боқаман, деб бечора тиним билмайди.
— Ойимларга тайёрлаб қўйдим, — деди Валижон.
— Бўлмаса, қўя қол. Менга керакмас.



— Айта қолинг!
 Валижон йиғлағудай бўлиб турарди. Кампир ўйланиб қолди.
 — Нима совға қилсанг экан? Кўп ўйлади. Ниҳоят топди:
 — Ёзувинг кўхликми? — сўради у.
 — Доим беш оламан! — деди Валижон.
 — Бўлмаса Адҳам аканга битта хат ёзиб берасан.
 — Хат? — Валижоннинг лаблари чўччайди.
 — Мен айтиб тураман, сен ёзасан. Бу жуда ғалати хат. Ана шу менга совғанг бўлади. Бўптими?
 — Бўпти! — деди Валижон.
 — Ёзмаймизми? — сўради Валижон зерикиб.
 — Ёзамиз, болам, ёзамиз, — деди Шаҳодат хола ўпкаси тўлиб ва секин гапира бошлади.
 У шунчалик секин гапирардики, Валижонга бир марта ҳам қайта сўрашга тўғри келмади. Қош қорайганда хат тайёр бўлди.
 — Қани, ўқиб бер-чи, — деди Шаҳодат хола.
 Валижон салмоқлаб ўқий бошлади:
 «Ассалому алайкум, Адҳамжон, ўғилгинам! Эсонмисан, омонмисан? Тинчмисан? Юборган пулингни олиб, бошим осмонга етди. Раҳмат. Раҳматли дадангнинг ўрнини босиб турганлигиндан бениҳоя хурсандман. Ишқилиб, умринг узоқ, мартабанг баланд бўлсин. Ниятингга ет.
 Уғлим, болажоним, кўнглимни ғаш қилиб турган бир гапни айтсам, хафа бўлма, ҳар ҳолда онангман. Мана, йил бўлиб қолди, сендан хат олмаяпман. Ўзинг ҳам келмайсан. Биламан, ишинг кўп, вақтинг йўқ. Лекин икки энлик бўлса ҳам хат ёзсанг, шу менга кифоя. Соғлигингни, ўйнаб-қулиб юргангингни билсам, бас.
 Мендан аҳвол сўрасанг, аҳволим яхши. Ҳали ҳам боғчада болалар билан бағ-бўглашиб ётибман. Кеча мазор бошига бориб, дадангнинг мазорини суваб келдим.

Раҳматли орзу-ҳавасингни кўролма кетди. Тунов куни Собиржондан хат келган экан, сени сўрабди. Яхши, дедим. Ишқилиб, қаерда бўлсанг ҳам омон бўл.
 Сен соғиниб кутувчи оинг Шаҳодат».
 Валижон хатни шу куниёқ почта қутисига ташлади.
 Орадан бир ҳафта ўтди. Шаҳодат хола боғчадан келиб, айвонда кўрпа қавиб ўтирарди. Кўчадан шаңғиллаб Аълобуш ўтиб қолди. Кўп ўтмай ўзи кириб келди. Қўлида посилка қути.
 — Тасаддуқ! Собиржонингиздан посилка келди, — деди у айвонга чиқиб ва бирдан қулиб юборди.
 — Ҳа, тинчликми? — сўради Шаҳодат хола.
 — Тинчлик, тасаддуқ, тинчлик!.. — у кулгидан ўзини тўхтатолмай зўрға гапирарди: — Малдалини тушмагур кийимлик эмас экан, тасаддуқ, ейдиган нарса экан, ейдига! Нима экан, деб сабрим чидамай пўштада очдим. Бундоқ қарасам малдалин! Олинг, мазасини кўринг, тасаддуқ.
 У бир ҳовуч мандаринни Шаҳодат холанинг этагига ташлади.
 — Бирам мазали, бирам мазали! Маскопда йўқ нарса бор экан, тасаддуқ, йўқ нарса бор экан.
 Шаҳодат хола зўр-базўр илжайди.
 — Умридан барака топсин Собиржон.
 — Илойим айтганингиз келсин, тасаддуқ. Хўп, мен чиқай, овқатим кечикиб кетди. Чиқинг, тасаддуқ чақчақлашиб ўтираминг, чиқинг.
 Аълобуш яна шаңғиллаб чиқиб кетди.
 Шаҳодат хола мандариндан биттасини арчиб, оғзига солди. Лекин ўтмади. Чайналиб қолди. Кўзлари ёшга тўлди. Миясига қуйилиб келаётган оғир фикрларни ҳайдамоқчи бўлиб ўрнидан турди. Ҳовлига тушиб оғзидагини тупуриб ташлади. Ўчоқ бошига бориб, қайтиб келди. Айвон устунига суянди.
 — Яна кўз ёшимми-а? — деди шу пайт кимдир. Шаҳодат хола чўчиб орқасига ўгирилди. Йўлакда оғзи қулоғига етиб Қоровой турарди.
 — Қани, дарров кўзингизни артиб олинг-чи!
 — Хўп, болам, хўп.
 Шаҳодат хола энги билан кўзларини артиб, жилмайган бўлди.
 — Мана бу бошқа гап, — деди Қоровой. — Энди манави хатни олинг.
 Шаҳодат холанинг юраги ўйнаб кетди.
 — Уғлимданми?
 — Ҳа, ўғлингиздан.
 — Вой, болам-эй, болажоним-эй! — Шаҳодат хола гуллик конвертдаги хатни бағрига босиб йиғлаб юборди.
 — Ия-ия! Бу қанақаси бўлди? — деди Қоровой қулиб. — Хат келмасаям йиғи, келсаям йиғи экан-да? Ўқиб берайми?
 Шаҳодат хола бош ирғади.
 — Бу ёққа беринг.
 Қоровой конвертни очди-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Хатни у ёқ-бу ёққа айлантириб кўрди, конвертни янгитдан қараб чиқди. Кейин ўйланиб қолди.
 — Ўқимайсанми?! — деди Шаҳодат хола энгидан тортиб. — Адҳамдан эканми?
 — Ҳа, ҳа, ўғлингиздан... Адҳамдан... — деди Қоровой хатдан кўзини узмай.
 — Ўқи бўлмаса!
 — Ҳозир... мана... эшитинг, — Қоровой Шаҳодат холага бир қараб қўйди-да, ўқий бошлади. «Ассалому алайкум, ойижон. Сизни соғинтириб қўйганим учун мени кечиринг. Узоққа кетиб қолувдим. Ойижон, сизни жуда соғиндим. Аҳволларингиз тузукми? Хатингизни олиб жуда хурсанд бўлдим. Ўзингизни уринтирманг. Менинг ишларим яхши. Яқинда учрашиб қоламиз.
 Ойижон! Сизни хотин-қизларнинг халқаро байрами — Саккизинчи март билан табриклайман. Хатингизни соғиниб кутувчи ўғлингиз — Адҳам».
 — Болам, болажоним!
 Шаҳодат хола кўзини дарё қилиб хатни Қоровойнинг кўлидан олди-да, бағрига босганича уйга кириб кетди.
 Қоровой ҳеч нарсага тушунмай жойида туриб қолган эди.
 Хатни Валижон ёзганидан у ҳам хабарсиз эди.

ОГОҲ БЎЛИНГ, ҲАЙДОВЧИ!

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати қоидабузарликларини жарима баллари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Эндиликда, белгиланган баллдан ошиб кетган ҳайдовчилар автоуловни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.

Ўтган 2022 йил 4 апрель санасида Президент Шавкат Мирзиёев “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорни имзолаган эди. Йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш ва уларни тақроран содир этилишининг олдини олиш мақсадида балларни ҳисоблаш тизими жорий қилинмоқда.

Тизимнинг тартиби қуйидагича:

- Ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жарима баллари ҳисоблаб борилади.

- Ҳисобланган жарима баллари белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳайдовчи маълум муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ўрнатилган тартибда маҳрум қилинади.

- Муайян давр мобайнида йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этмаган ҳайдовчиларга кейинчалик ҳисобланган жарима балларини қисқартириш орқали рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

Жарима баллари қоидабузарлик учун белгиланган жарима пули, яъни базавий ҳисоблаш миқдорига қараб белгиланади. Бунда БҲМнинг 1 бараварига 0,5 балл берилади. Бир қоидабузарлик учун максимал 5 балл ҳисобланиши мумкин. Балларни ҳисоблаш биринчи қоидабузарлик содир этилган санадан бошлаб, бир йил давомида олиб борилади. Жарима балларини ҳайдовчилар мобиль илова орқали кузатиб боришлари мумкин. Биринчи жаримангиз ҳақида СМС орқали ёки мобиль иловада хабар берилади. Жарима баллигиз 8 баллга етганда ҳайдовчи расмий равишда огоҳлантирилади. Жарима баллари 12 баллдан ошса, ҳужжатлар судга тақдим қилинади. Ҳайдовчилар автомобиль бошқариш ҳуқуқидан суд қарори билан 3 йилга маҳрум этилади.

Озод БОЗОРОВ,

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ Йўл-патруль хизмати инспектори:

– Юртбошимизнинг тегишли қарори асосида жарима балларини ҳисоблашнинг баллик тизими амалга татбиқ этилмоқда. 2022 йилда тест режимида йўлга қўйилиши эълон қилинган эди. Эндиликда бу тизим йўлга қўйилса, ҳайдовчилар ўртасида ҳайдовчилик маданиятини шакллантиришда ўзининг катта ҳиссасини қўшади. Айрим ҳайдовчилар борки, белгиланган тартиб-қоидаларни қасддан бузиб, жаримани тўлаб юраверади. Эндиликда тизим ижроси натижасида ҳайдовчиларнинг қонунни бузишга бўлган мойиллиги камайиб, автомашинани бошқариш жараёнидаги масъулияти ортади.

ҲАР ЙИЛГИ ҚЎШИҚ

Талабалар учун поезд билетларига 50 фоизлик чегирма эълон қилинди. Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларга қишки таътил мобайнида маҳаллий йўналишдаги қатновлар учун чегирмалар эълон қилинди.

“Ўзтемирйўлийловчи” АЖнинг маълум қилишича, чегирма 2023 йил 25 декабрдан 2024 йил 7 январга қадар ўрнатилган тартибда барча маҳаллий йўналишдаги йўловчи поездларининг темир йўл ҳужжатининг тўлиқ қийматидан 50% чегирма (СВ/ВИП класс вагонларидан ва юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электропоездидан ташқари) амал қилади.

Бу хабарни ўқиб, талабаларнинг хурсандчилигини тасаввур қилинг, дея олмайман. Нега? Чунки талабалар ҳар йили кузатиладиган бу “маска-шоу”га кўникиб кетишган. Чегирмалар эълон қилинади, кассага борсангиз билет қолмаган. “Ўзтемирйўлийловчи” АЖнинг 50 фоизлик жар солиши “Афросиёб” тезюрар поезди ва СВ/ВИП класс вагонларига етиб бормаган. Етиб бормагани ҳам яхши назаримда. Чунки, “Афросиёб” поездида хизмат сафари пайтида чиққанман. Дуюқларда 5000 сўм сотиладиган сув, 12000 сўмга пулланаётганини кўриб, ёқа ушлаганман. Қолган маҳсулотларниқу, айтмаса ҳам бўлади. Қорнингиз очиб, енгил тамадди қилмоқчи бўлсангиз, сизнинг бу тамаддичангиз нархи шаҳардаги қиммат бир ресторанлардаги тушлик нархи билан барабар чиқиши аниқ. Нархга яраша сифат дейсизми? Менимча, у ерда фақат сифат сўзининг ўзи бор, холос. Қоғоз учун эмас, натижа учун ишлайдиган вақт келганлигини бу ташкилот қачон тушуниб етади? Талабаларга поезд чипталари учун 50 фоизлик чегирма эълон қилингани ҳақидаги янгиликдан жудаям қувонгандим.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– Янги йил байрамини оила даврасида нишонлашга кетадиган талабаларимиз ҳам хавфсиз, ҳам ҳамёнбоп нархларда ўз манзилларига етиб олишларини кўз олдимга келтиргандим. Лекин, афсуски, хурсандчилигим узоққа чўзилмади. Сабаби, талабалар учун чегирма эълон қилинган вақтда поезд чипталарини ўзи қолмаган экан.

Бу чегирмадан унинг эгалари бўлмиш талабалар фойдалана олмаса бундай чегирма нимага керак? Шов-шув учунми? Бу худди болага хўрозқанднинг қоғозини кўрсатиб, ичидагини бошқаларга бергандек ҳолат эмасми? Тўғри, чипталар ҳақиқатдан ҳам анча илгари пайдан буён сотиб бўлинган бўлиши мумкин. Унда талабаларни, жамоатчиликни чалғитишнинг нима кераги бор? Бундан ташқари, нега талаб юқори бўлган “Афросиёб” электропоезди чипталари учун чегирма беришмади?

Бир таклифим бор эди: чегирмаси билан талабаларни “хурсанд қилган” темирйўлчилар энди улар учун алоҳида рейсларни ташкил қилиб, хайрли ишни охиригача қилишсин. Токи, кейинги сафар ёшларни ёлғон ва юзаки ваъдалар билан чалғитишмасин. Акс ҳолда, чегирма эълон қилингани амалда иш бермагани бўйича раддия билан чиқишса, адолатдан бўларди.

“Тошкент — Урганч”, “Тошкент — Нукус”, “Тошкент — Самарқанд”, “Тошкент — Қарши” йўналишида қўшимча йўловчи поездлар қатнови жорий этилади. Бу ҳақда “Ўзтемирйўлийловчи” АЖ хабар қилди. Шунингдек, мавжуд йўналишдаги йўловчи поездларга босқичма-босқич қўшимча вагонлар ҳам уланиши режалаштирилган. Афсуски “Афросиёб” электропоезди чипталари учун чегирмалар берилмаган.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА тайёрлади

«IMPEX INSURANCE» АЖ СКга тегишли А4 шаклининг ихтиёрий тури бўйича 0011268, 0005878, 0008033, 0006363, 0006287, 0006288, 0011228, 0005832, 0005833, 0005888, 0007777, 0008499, 0007328, 0006325, 0013847, 0005846, 0005912, 0006309, 0006331, 0006361, 00011261, 0009006, 0011385, 0006360-сонли сугурта полис бланклари йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

ҚИЗАМИҚҚА ҚАРШИ ЭМЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА



Вакцинация – болаларни қизамиқдан ҳимоя қилишнинг ягона ва самарали профилактик тадбирларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу боисдан мамлакатимизда Миллий профилактик эмлаш календарига мувофиқ, 13 турдаги юқумли касалликлар, жумладан, қизамиққа қарши режали эмлашлар ўтказилмоқда.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан аввал хабар берилганидек, жорий йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети ҳисобидан қизамиққа қарши 3 млн. доза вакциналар харид қилинди.

Хўш, ушбу хасталик нимаси билан хавфли? Унга қарши қўлланиладиган вакцинанинг самарадорлиги қандай? Ушбу саволларга Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бош мутахассиси Хурсаной ЖАМОЛОВА жавоб бериб ўтди.

– Ушбу вакциналар эпидкўрсатма бўйича эмланадиган қатлам, маълум сабабларга кўра эмлашдан қолиб кетган болалар, миграция туфайли четга кетган ва келган аҳоли ҳамда уларнинг эмланмаган болалари, хавф гуруҳига кирувчи, тиббий чеклов ёки вақтинча яшаш манзилидан кўчиб кетиб, эмланмасдан қолган болалар, қизамиқ касали бўлган бемор билан мулоқотда бўлган 6 ойдан 5 ёшгача бўлган болаларни эмлаш учун мўлжалланган.

Айни вақтда ҳудудларда эмлаш ишлари бошланган.

Ушбу вакцинани яроқлилик сертификати бор, хавфсиз ва самарадорлиги юқорилигини таъкидлаш жоиз.

Жорий йилнинг 6 декабрдан бошлаб республикамиздаги даволаш-профилактика муассасалари эмлаш пунктларида қизамиққа қарши эмлаш ҳар бир бола врач кўригидан ўтказилиб, соғлом болалар эмланади.

Эмлашни ўтказиш учун 3138 та эмлаш хоналарида касбий тайёргарлиги оширилган тиббиёт ходимларидан иборат эмлаш бригадалари хизмат кўрсатмоқда.

– Бугунги кунда УРВИ ва қизамиқ кўпайгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда, бу хабарлар қанчалик асосли?

– Қизамиқ мавсумий касаллик бўлиб, ушбу касаллик асосан куз-қиш мавсумларида рўйхатга олинади. Бугунги кунда чет давлатга бориб-келаётган фуқаролар орасида ушбу касалликни рўйхатга олиниши кузатилапти.

– Қизамиқ кўпаяётгани сабаби нимада, ундан қандай ҳимояланиш мумкин?

– Кўшни давлатларда қизамиқ билан касаллик кўпаймоқда ва четга бориб келаётган қизамиққа қарши эмланмаган аҳоли, болалар орасида қизамиқ билан касалланиш рўйхатга олинмоқда. Қизамиқдан ҳимояланишни ягона усули – эмлаш. Миллий эмлаш календарига асосида ҳар бир ота-она яшаш манзилидаги поликлиникага мурожаат этиб, фарзандини 1 ёшда ва 6 ёшда қизамиққа қарши эмлатиши керак.

– Қизамиқ асосан қайси ёш гуруҳларида учрайди, белгилари қандай намоён бўлади?

– Қизамиқ ҳар хил сабабларга (вақтинча кўчиб кетган, тиббий чеклов берилган, эмлашдан бош тортган) кўра эмланмаган аҳоли ва болаларда учрайди. Қизамиқ ҳаво-томчи йўли орқали юқадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, тана ҳароратини кўтарилиши, юқори нафас йўллари яллиғланиши, конъюнктивит, терида ўзига хос босқичма-босқич доғли тошмалар тошиши билан кечади.

– Белгилари сезилиши билан қандай чоралар кўриш керак?

– Ушбу касаллик белгилари пайдо бўлиши билан врачга ёки тез ёрдамга мурожаат этиш керак. Беморни алоҳидалаш зарур. Шифокор тавсияси асосида керакли даволаш олиб борилади.

TOSHKENT OQSHOMI

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Истиклол, 51

Телефонлар: Кабулхона (71) 233 61 10, Реклама (71) 233 28 95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган

“NISO POLIGRAF” МЧЖ босмахонаси

Нашр учун масъул 3. НАЗАРОВ

Нашр кўрсаткичи 563

Топшириш вақти 00:55
Топшириш вақти 05:00
Буюртма -



МУАССИС:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Севдо НИЁЗОВА

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Газетада босилган мақолалар учун муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқ қилиши мумкин. “Тошкент оқшом” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, “Машъал” маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, қоғоз бичими А3

Газета тахририят компьютер марказида сақланган

